

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«РИКИАТМ» ДМ

Фозилов Х.Ф. 

«___» _____ 2022 йил.



ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ

Ахборот-коммуникация технологиялари хизматининг ауцорсинг хизмати асосида
кўрсатиш бўйича

Буюртмачи: Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт
маркази ДМ.

Буюртмачидан масъул шахс: Компьютер тизимлари бўйича техник мутахассис

З.Г.Латипов 

**«РИКИАТМ» ДМ. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида аутсорсинг
хизматини кўрсатиш бўйича техник хужжатлар.**

1	Асосий маълумотлар ва талабларнинг номи	Асосий маълумотларнинг мазмуни ва талаблари
2	Буюртмачи	<p>Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Давлат муассасаси</p> <p>Танлов ўтказилинадиган жойи: РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ДМ.</p> <p>Адрес: 100052, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Осиё кўч, №4.</p> <p>телефон: (+99871) 234-53-89, факс – 234-16-67,</p> <p>email: saidulla.ibragimov@ssv.uz</p> <p>Алоқа қилувчи шахс: Умумий ишлар бўйича директор Уринбосари С.Ф. Ибрагимов. (97) 441 33 71</p>
3	Тўлов валютаси	<p>- Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси - сўм.</p> <p>- Молиялаштириш манбаи – Ўз маблағлари.</p>
4	Хизматларнинг батафсил таснифи – Техник топширик	<p>Хизмат кўрсатиш: ахборот-коммуникация технологиялари хизматларини аутсорсинг қилиш</p> <p>Умумий нархи – 185 000 000.0 сўм – бир йил учун</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. РИКИАТМга юқори турувчи ташкилотлар томонидан Марказнинг АКТга доир масалалари бўйича бериладиган барча саволлар, сўровномалар, топшириқлар, вазифалар ва бошқа АКТга алоқадор хат хужжатлар билан ишлаш, ички буйруқларни чиқариш, АКТ бўлими ишини юритиш; 2. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Кибер хавфсизлик бўйича аниқ иш режасини ишлаб чиқиш. Марказ сервери ва ходимлари компютерларида сақланаётган маълумотлар дахилсизлигини сақлаш. 3. Марказнинг доимий инвентеризация жараёнида иштрок этиш. Жумладан марказ балансида сақланаётган компютер техникаларини соз ва носозлик даражасига қараб уларни балансдан чиқариш, ҳамда марказ фаолияти учун керакли, зарур техник ускуналарни сотиб олишда асосий эксперти бўлиш. 4. Лоқал ҳисоблаш тармоғини мунтазам равишда таҳлил ва назорат қилиш ва талаб қўра кенгайтириб бориш; 5. Ички ва шаҳар телефон тармоқларини назорат қилиш ва ҳар 6 ойда мини АТС станциялари лицензиясини янгилаб бориш ва доимий тарзда дастурлаб бориш. Шунингдек ходимлар томонидан алоқа сифати бўйича қилинган муружатларни ижобий ҳал қилиш; 6. Беморлар палаталарида жойлашган рақамли телевизорларини созлаш ва ишлашини назорат қилиш; 7. Ташки интернет тармоғи билан марказ ходимларини узлуксиз таъминлаш, Провайдерлар билан шартномаларни янгилаб бориш. Файрволл тизими орқали хавфсизликни йўлга қўйиш; 8. Марказда жойлашган коммуникацион шкафлар ва ускуналарнинг мониторингини ўтказиш уларнинг тўсатдан

		<p>Ўчиб қолишни олдини олиш. Мавжуд 2 та сервер компьютерларнинг ишлашни доимий тарзда назорат қилиш.</p> <p>9. Давлат идоралари аро ахборот алмашув тизимлари ва бошқа химояланган ахборот тизимларидан ахборот хавфзилигига риоя қилган ҳолда Марказ ходимларининг барча тизим ва ресурслардан фойдаланишни ўзлуксиз таъминлаш;</p> <p>10. Марказда мавжуд 250 дан ортиқ компьютер ва принтер қурилма ва ускуналарини тўлик техник ҳолатини назорат қилиб бориш, Компьютерларни техник таъмирлаш, операцион тизимларини ўрнатиш ва антивирусларини доимий ишлаб туришини таъминлаш;</p> <p>11. Принтерларнинг бўйокларини қайта тўлдириш ва созлаб бериш;</p> <p>12. Илмий лабораторияларда ишловчи ходимларнинг илмий лоихалари бўйича электрон дастурларни яратишда маслаҳат куринишида кўмаклашиш;</p> <p>13. Ташкилотнинг бизнес жараёнини оптимизациялаш мақсадида Марказ томонидан жорий қилинган барча ахборот дастурий тизимларининг ишлашни назорат қилиш. Жумладан марказ фаолиятининг айрим соҳалари рақамлаштириш жараёнида фойдаланиб келаётган дастурий таъминотларни бошқаришни ўз зиммасига олиш. (Булар қуйидаги дасурий таъминотлар: Техномед электрон касалик тарихи тизими, CLOCKSTER – кадрлар бўлими иш фаолиятини рақамлаштириш мақсадида жорий қилинган тизим.)</p> <p>14. Видео кузатув мосламаларини ўрнатиш, назорат қилиш.</p>
5	<p>Харид жараёнларининг иштирокчиси</p>	<p>Харид қилиш тартиб-таомилларининг иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти бўлган, харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини амалга ошириш учун талабгор сифатида иштирок этувчи жисмоний ёки юридик шахс.</p> <p>Иштирокчи қуйидаги ҳуқуқларга эга: давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонун ҳужжатларида назарда тутилган даражада фойдаланиш;</p> <p>давлат буюртмачисига ёки у жалб қилган ихтисослашган ташкилотга сўровлар юборинг ва аниқ давлат харидларини ўтказиш тартиби, талаблари ва шартлари тўғрисида тушунтиришлар олинг;</p> <p>белгиланган тартибда таъминот комиссияси томонидан таклифларни очишда иштирок этиш;</p> <p>харид қилиш тартиб-таомиллари натижаларини Давлат харидлари бўйича шикоят комиссиясига шикоят қилиш;</p> <p>қонун ҳужжатларига мувофиқ таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш.</p> <p>Иштирокчи қуйидагиларга мажбур:</p> <p>давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;</p> <p>харид ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиш ва тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгар бўлиш;</p> <p>асосий фойдали эгаси ҳақида маълумотни ошкор қилиш;</p>

		<p>Ғолиб деб топилган тақдирда давлат буюртмачиси билан қонунда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиш.</p>
6	<p>Танлов иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби</p>	<p>Танлов иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартибда ва танлов эълон қилинишида кўрсатилган манзил бўйича электрон тарзда танлов учун харид ҳужжатларини тақдим этади.</p> <p>Таклифда давлат харидлари объекти бўлган товарлар эскизи, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, намунаси бўлиши мумкин.</p> <p>Танлов иштирокчиси тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги учун жавобгардир.</p> <p>Танлов иштирокчиси фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга.</p> <p>Танлов бўйича таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидлари тизимида эълон қилинган эълонда белгиланган муддат бошланиши билан тугатилади</p>
7	<p>Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар</p>	<p>Иштирокчи полиграфия маҳсулотларини ишлаб чиқаришга рухсатномаси бўлиши керак. Шартноманинг умумий қийматидан 10% миқдорда айланма маблағи бўлиши керак. , Давлат солиқ қўмитаси ва банкдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома.</p> <p>Танловда қўйидаги потенциал ижрочиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди: а) қайта ташкил қилиниш босқичида бўган (бирлашиш, қўшилиш, ажратиш, ажратиш, ўзгартириш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган; б) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатдан ўтган; в) белгиланган муддатда танлов учун барча зарур ҳужжатларни тақдим этмаган; г) илгари тузилган шартномалар бўйича ўз мажбуриятларини тўғри бажармаган; е) буюртмачи билан судлашув ҳолатида бўлган.</p> <p>Танлов ташкилотчиси танловда иштирок этиш учун аризаларни баҳолаш учун қўйидаги мезонларни белгилаб берди:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) 5 йил иш стажига эгаллиги ҳақида маълумот 2) полиграфия соҳасида мутахассисларга эгаллиги 3) КТН қийматининг камида 10% миқдорида айланма маблағга эга бўлиши; 4) ўзининг ёки ижарага олинган техник базасизга эгаллиги <p>Ғолиб тўпланган балларнинг максимал миқдори билан аниқланади</p>
8	<p>Хизмат кўрсатиш муддати</p>	<p>1 йил давомида, шартнома тузилган санадан бошлаб.</p>